

«O'ZBEKISTON SHAMPANI» AJ
акциядорларининг 2023 йил 17 июлдаги
йиллик
Умумий йиғилиши қарори билан



«O'ZBEKISTON SHAMPANI» AKSIYADORLIK JAMIYATINING

УСТАВИ (янги таҳрири)

М У Н Д А Р И Ж А

1. Умумий қоидалар	3
2. Жамиятнинг номи, жойлашган ери (почта манзили), электрон почта манзили, юримдик мақоми	3
3. Жамият фаолиятининг мақсади ва соҳаси (асосий йўналишлари). Қўшимча фаолият турлари	4
4. Устав фонди	5
5. Акциялар ва бошқа қимматли қоғозлар	5
5.1. Акциялар	5
5.2. Корпоратив облигациялар	6
5.3. Акциялар ва корпоратив облигацияларни жойлаштириш	6
5.4. Акцияларни ва акцияларга айирбошланадиган, эмиссиявий қимматли қоғозларни жойлаштиришда имтиёзли олиш ҳуқуқи	8
5.5. Жойлаштирилган акцияларни Жамият томонидан олиш	9
6. Акциядорларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари	10
7. Даромад (фойда)ни тақсимлаш, дивидендларни тўлаш ва зарарни қошлаш	11
8. Захира ва бошқа фондлар	12
9. Жамиятни бошқариш ва Жамият фаолиятини назорат қилиш	12
9.1. Акциядорларнинг Умумий йиғилиши	13
9.2. Кузатув кенгаши	17
9.3. Бош директор	20
9.4. Ички аудит хизмати	22
9.5. Корпоратив маслаҳатчи	22
9.6. Аудиторлик ташкилоти	22
10. Ҳисоб ва ҳисобот	23
11. Хужжатларни сақлаш	23
12. Жамият ва Жамиятнинг аффилиланган шахслари тўғрисидаги ахборот	24
13. Жамият томонидан йирик битимлар тузиш	24
14. Жамиятнинг аффилиланган шахслари билан битимлар тузиш	25
15. Жамиятни қайта ташкил этиш ва тугатиш	25
16. Якуний қоидалар	25

1. Умумий қоидалар

1.1. «O'ZBEKISTON SHAMPANI» Aksiyadorlik jamiyati (бундан буён матнда Жамият деб юритилади) мазкур Устави Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 6 майдаги 370-сон «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуни (бундан буён матнда Қонун деб юритилади), Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 22 июлдаги 163-сон «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги (ўзгартириш ва қўшимчалари билан) Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикасининг бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларига мувофиқ ишлаб чиқилган.

1.2. Жамият Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкани бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш Давлат Қўмитасининг 1996 йил 14 июндаги 41к-ПО-сонли буйруғига асосида ташкил қилинган.

2. Жамиятнинг номи, жойлашган ери (почта манзили), электрон почта манзили, юридик мақоми

2.1. Жамиятнинг тўлиқ фирма номи:

давлат тилида лотин алифбосида:

тўлиқ номи – «O'ZBEKISTON SHAMPANI» Aksiyadorlik jamiyati;

қисқартирилган номи – «O'ZBEKISTON SHAMPANI» AJ;

давлат тилида кирилл алифбосида:

тўлиқ номи – «ЎЗБЕКИСТОН ШАМПАНИ» Акциядорлик жамияти;

қисқартирилган номи – «ЎЗБЕКИСТОН ШАМПАНИ» АЖ;

рус тилида:

тўлиқ номи – Акционерное общество «O'ZBEKISTON SHAMPANI»;

қисқартирилган номи – АО «O'ZBEKISTON SHAMPANI»;

инглиз тилида:

тўлиқ номи – Joint-stock company «O'ZBEKISTON SHAMPANI»;

қисқартирилган номи – JSC «O'ZBEKISTON SHAMPANI».

Жамият ўзининг фирма номидан мутлақ фойдаланиш ҳуқуқига эгадир.

2.2. Жамиятнинг жойлашган ери ва почта манзили: **Ўзбекистон Республикаси, 100007, Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Султонали Машхадий кўчаси, 186-уй.**

Электрон почта манзили: **uzshampani@rambler.ru**

Жамиятнинг расмий корпоратив веб-сайти: **www.champagne.uz.**

Жамият ўзининг жойлашган ери (почта манзили) ва электрон почта манзили ўзгарганлиги тўғрисида юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказувчи органларни ёзма билдиришнома юбориш йўли билан, акциядорларни эса, оммавий ахборот воситаларида эълон бериш йўли билан хабардор этиши шарт.

2.3. Жамият **чекланмаган муддатга** ташкил қилинган ҳамда давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб юридик шахс мақомига эга бўлди.

2.4. Жамият юридик шахс бўлиб, у ўз мустақил балансида ҳисобга олинган алоҳида мол-мулкка, шу жумладан ўзининг Устав фондига берилган мол-мулкка эга бўлади, ўз номидан мулкий ва шахсий номулкий ҳуқуқларни олиши ҳамда амалга ошириши, зиммасига мажбуриятлар олиши, судда даъвогар ва жавобгар бўлиши мумкин.

2.5. Жамият ўз фаолияти натижасида олинган ва харид қилинган акцияларни сотиб олиш ҳисобига, шунингдек Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига зид келмаган бошқа асосларга кўра берилган мол-мулкнинг мулкдори ҳисобланади.

2.6. Молиявий-хўжалик фаолиятини амалга ошириш жараёнида Жамият амалдаги қонунчиликка мувофиқ барча турдаги шартномавий муносабатларни амалга оширишга ҳақли.

2.7. Жамият қонун ҳужжатлари билан таъқиқланмаган ҳар қандай фаолият турлари билан шуғулланиши, бошқа юридик шахсларнинг муассиси бўлишга ёки уларнинг устав фондида (устав капиталида) бошқача тарзда иштирок этишга, филиаллар тузиш ва ваколатхоналар очишга, уюшма ва ассоциацияларга киришга ҳақлидир.

2.8. Жамият ўзининг фирма номи давлат тилида тўлиқ ёзилган ҳамда жойлашган ери кўрсатилган юмалоқ муҳрга эга бўлиши лозим.

2.9. Жамият ўзининг номи ёзилган штамп ва бланкаларга, ўз тимсолига, шунингдек белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган товар белгисига ҳамда фуқаролик муомаласи иштирокчиларининг, товарларнинг, ишларнинг ва хизматларнинг хусусий аломатларини акс эттирувчи бошқа воситаларга эга бўлишга ҳақли.

2.10. Жамият белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси ҳудуди ва ундан ташқарида банкда ҳисоб рақамлар очишга ҳақлидир.

2.11. Жамият ўз мажбуриятлари юзасидан ўзига тегишли барча мол-мулк билан жавобгар бўлади.

Акциядорлар Жамиятнинг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди ва унинг фаолияти билан боғлиқ зарарларнинг ўрнини ўзларига тегишли акциялар қиймати доирасида қоплаш таваккалчилигини ўз зиммасига олади.

Акцияларнинг ҳақини тўлиқ тўламаган акциядорлар Жамиятнинг мажбуриятлари юзасидан ўзларига тегишли акциялар қийматининг тўланмаган қисми доирасида солидар жавобгар бўлади.

Жамият ўз акциядорларининг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди.

Давлат ва унинг органлари Жамиятнинг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди, худди шунингдек жамият ҳам давлат ва унинг органларининг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди.

3. Жамият фаолиятининг мақсади ва соҳаси (асосий йўналишлари). Қўшимча фаолият турлари

3.1. Жамиятнинг мақсади фойда олишдир.

3.2. Жамият фаолиятининг соҳаси (асосий йўналишлари) қуйидагилардан иборат: шампан виноси, кўпикланадиган ва газлаштирилган винолар ишлаб чиқариш ва сотиш; узумдан тайёрланган виноматериаллар (тозаланган ва тозаланмаган) ишлаб чиқариш; ўткирлиги 4 хажмли фоиздан 8 хажмли фоизгача бўлган паст даражали вино ичимликлар ишлаб чиқариш ва сотиш;

ароқ ва ликёр-ароқ маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва сотиш.

3.3. Жамият ўзининг юқоридаги асосий йўналишларини бажариш билан биргаликда қуйидаги фаолиятлар билан қўшимча равишда шуғулланиш мумкин:

саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва сотиш;

хўжалик юритиш, маҳсус техника ва информацион технологияларнинг илғор услубларини жорий этиш;

ижарага бериш, техник воситаларга хизмат кўрсатиш шахобчаларини ташкил қилиш;

лизинг, факторинг ва сармоя операцияларини ўтказиш;

иккиламчи хом-ашё, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини тайёрлаш ва қайта ишлаш, ишлаб чиқариш чиқиндиларини ишлаб-чиқаришга жалб қилиш;

ураш-қадоқлаш маҳсулотларини тайёрлаш ва сотиш;

қурилиш материаллари ишлаб чиқариш;

республика ҳудудида автомобил транспортида аҳолини ва юкни ташиш;

божхона омборларини ташкил қилиш;

улгуржи савдо;

савдо-воситачилик ва савдо-сотиқ фаолияти;

аҳолига маиший хизматлар кўрсатиш;

транспорт-экспедиторлик хизматлари;

асбоб-ускуналарни, автотранспорт воситаларини таъмирлаш;
жисмоний-соғломлаштириш мажмуаларини ташкил қилиш;
моддий-техник таъминот;
умумий овқатланиш тизимларини ташкил қилиш;
реклама-безаш фаолиятини амалга ошириш;
ҳалқ истеъмол молларини ишлаб чиқариш ва сотиш;
аукционда, юридик ва жисмоний шахслардан кўчар ва кўчмас мулкни сотиб олиш ва
сотиш;
ҳалқаро кўргазмалар, симпозиумлар, конференциялар, семинарларда иштирок этиш;
ташқи-иқтисодий фаолият;
жамият мақсадларига, қонунчилик билан таъқиқланмаган бошқа исталган фаолиятлар.

3.4. Махсус рухсатнома (лицензия) олишни талаб қиладиган фаолият турлари қонунчиликда ўрнатилган тартибда лицензия олингандан кейин амалга оширилади.

4. Устав фонди

4.1. Жамиятнинг Устав фонди акциядорлар олган Жамият акцияларининг номинал қийматидан ташкил топади ҳамда Жамият мол-мулкнинг Жамият кредиторлари манфаатларини кафолатлайдиган энг кам миқдорини белгилайди.

4.2. Жамиятнинг Устав фонди **2 704 912 000** (икки миллиард етти юз тўрт миллион тўққиз юз ўн икки минг) сўмни ташкил қилади ҳамда номинал қиймати **2000** (икки минг) сўм бўлган **1 352 456** (бир миллион уч юз эллик икки минг тўрт юз эллик олти) дона оддий акциядорлар олган акцияларга бўлинган.

4.3. Жамиятнинг Устав фонди:

кўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтирилиши мумкин;
акцияларнинг номинал қийматини камайтириш ёки акцияларнинг умумий сонини қисқартириш йўли билан, шу жумладан акцияларнинг бир қисмини кейинчалик бекор қилган ҳолда Жамият томонидан акцияларни олиш йўли билан камайтирилиши мумкин.

4.4. Жамиятнинг Устав фондиди кўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтириш тўғрисидаги қарорлар Кузатув кенгаши томонидан қабул қилинади.

Жамиятни Кузатув кенгаши томонидан қабул қилинган кўшимча акцияларни чиқариш тўғрисидаги қарор Жамиятнинг Устав фондиди кўпайтириш тўғрисидаги қарордир.

4.5. Жамиятнинг Устав фондиди кўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтириш жалб қилинган инвестициялар, жамиятнинг ўз капитали ва ҳисобланган дивидендлар ҳисобидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилиши мумкин.

4.6. Жамиятнинг Устав фондиди камайтириш тўғрисидаги ва Жамият Уставига тегишли ўзгартишлар киритиш ҳақидаги қарорлар акциядорларнинг Умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади.

Жамиятнинг Устав фондиди камайтириш тўғрисида қарор қабул қилинаётганда акциядорларнинг Умумий йиғилиши Устав фондиди камайтириш сабабларини кўрсатади ва уни камайтириш тартибини белгилайди.

5. Акциялар ва бошқа қимматли қоғозлар

5.1. Жамият қонунчилик ва мазкур Уставига мувофиқ акциялар, корпоратив облигациялар ва бошқа қимматли қоғозларни чиқаришга ҳамда жойлаштиришга ҳақли.

5.1. Акциялар

5.1.1. Жамият томонидан чиқарилган ва жойлаштирилган акциялар қуйидагилардан иборат:

Жамиятнинг акциялари номинал қиймати **2000** (икки минг) сўмдан бўлган **2 704 912 000** (икки миллиард етти юз тўрт миллион тўққиз юз ўн икки минг) сўмлик **1 352 456** (бир миллион уч юз эллик икки минг тўрт юз эллик олти) дона оддий акциялардан ташкил топади.

5.1.2. Жамият Устав фондини ошириш мақсадида Жамият жойлаштирилган акцияларига кўшимча равишда чиқариши мумкин бўлган эълон қилинган акциялари миқдори номинал қиймати **2000** (икки минг) сўм бўлган **785 658** (етти юз саксон беш минг олти юз эллик саккиз) дона оддий акцияларни чиқаришга ҳақлидир.

Эълон қилинган акцияларнинг сони доирасида чиқарилаётган оддий акциялар жамият барча акциядорлари ўртасида ёпиқ обуна орқали жойлаштирилади. Бунда ҳар бир акциядорга унга тегишли акциялар сонига мутаносиб равишда тақсимланади.

5.1.3. Жамият томонидан акциялар чиқарилиши (янги чиқарилиши, кўшимча чиқарилиши) ва жойлаштириш Жамият Кузатув кенгашининг қарорига кўра амалга оширилади.

5.1.4. Кўшимча акциялар эълон қилинган Жамиятнинг Уставида белгиланган акцияларнинг сони доирасидагина Жамият томонидан жойлаштирилиши мумкин. Акцияларни кўшимча чиқариш фақат Жамиятнинг илгари жойлаштирилган барча акциялари тўлиқ тўлангандан кейингина амалга оширилиши мумкин.

Жамиятнинг Устав фондини кўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтириш тўғрисидаги қарорида (кўшимча акциялар чиқарилиши тўғрисида қарори) жойлаштириладиган кўшимча акцияларнинг сони, уларни жойлаштириш муддатлари ва шартлари белгиланади.

5.1.5. Жамиятнинг оддий акцияларни имтиёзли акцияларга, корпоратив облигацияларга ва бошқа қимматли қоғозларга айирбошлашга йўл қўйилмайди.

5.1.6. Акциялар мулк ҳуқуқи ёки бошқа ашёвий ҳуқуқ асосида қайси юридик ёки жисмоний шахсга тегишли бўлса, ўша юридик ёхуд жисмоний шахс акциянинг эгаси – акциядор деб эътироф этилади.

5.1.7. Акция бўлинмасдир. Агар акция умумий мулк ҳуқуқи асосида бир нечта шахсга тегишли бўлса, бу шахсларнинг барчаси бир акциядор деб эътироф этилади ва акция билан тасдиқланган ҳуқуқлардан ўзларининг умумий вакили орқали фойдаланади.

5.1.8. Бир турдаги акция унга эгаллик қилувчи ҳар бир акциядорга шу турдаги акцияларнинг бошқа эгалари билан бир хил бўлган ҳажмдаги ҳуқуқларни беради.

5.1.9. Жамиятнинг оддий акциялари овоз берувчи акциялар бўлиб, улар ўз эгасига дивидендлар олиш, Жамиятни бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқини беради.

5.2. Корпоратив облигациялар

5.2.1. Жамият томонидан корпоратив облигациялар, шу жумладан акцияларга айирбошланадиган корпоратив облигацияларни чиқарилиши Кузатув кенгаши қарорига кўра амалга оширилади.

5.2.2. Жамият мол-мулк билан таъминланган корпоратив облигацияларни уларни чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш санасидаги ўз капитали миқдори доирасида чиқаришга ҳақли.

5.2.3. Устав фондининг шаклланганига қадар, шунингдек, уни тўлдириш ёки Жамиятнинг молиявий-хўжалик фаолияти билан боғлиқ зарарларни қоплаш учун корпоратив облигациялар чиқаришга йўл қўйилмайди.

5.2.4. Корпоратив облигациялар уларнинг эгаларига Жамиятини бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқини бермайди.

5.2.5. Корпоратив облигация унинг олинган вақтидан қатъи назар, бир чиқарилиш ичида ҳуқуқларни амалга оширишда тенг ҳажмлар ва муддатларга эга.

5.3. Акциялар ва бошқа қимматли қоғозларни жойлаштириш

5.3.1. Жамият томонидан акциялар ва бошқа қимматли қоғозларни жойлаштириш қимматли қоғозлар чиқарилиши давлат рўйхатидан ўтказилганидан кейин қимматли қоғозлар чиқарилишининг шартларига мувофиқ амалга оширилади.

5.3.2. Жамият ўзи чиқараётган акцияларга уларни оммавий жойлаштириш йўли билан қонун ҳужжатлари талабларини ҳисобга олган ҳолда очик обуна ўтказишга ҳақли.

Жамият ўзи чиқараётган акцияларга уларни хусусий жойлаштириш йўли билан ёпиқ обуна ўтказишга ҳақли, ёпиқ обуна ўтказиш имконияти қонун ҳужжатларида ва мазкур Уставида чеклаб қўйилган ҳоллар бундан мустасно.

5.3.3. Қимматли қоғозлар очик обуна йўли билан жойлаштирилганда Жамият қонунчилиқда белгиланган тартибда қимматли қоғозларни жойлаштириш бошланишига камида **икки ҳафта** қолганида, қуйидаги ахборотни ошкор этилади:

қимматли қоғозлар эмиссия рисоласининг матни билан танишиб чиқиш жойи ва тартиби тўғрисидаги маълумотларни;

Жамиятнинг тўлиқ ва қисқартирилган номи, унинг жойлашган ери (почта манзили), банк реквизитлари, юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказувчи органлар, давлат статистикаси ва солиқ хизмати органлари томонидан берилган рўйхатдан ўтказиш ва идентификация рақамлари;

фаолиятнинг асосий йўналишлари ва ишлаб чиқарилаётган маҳсулот (хизмат) турлари; мустақил рейтинг баҳоси, агар унинг шундай баҳоси бўлса, тегишли изоҳлари билан; қимматли қоғозларни чиқариш тўғрисидаги қарорга мувофиқ қимматли қоғозларни чиқариш ва жойлаштириш шартлари.

Ушбу ахборотни:

агар Жамиятнинг қимматли қоғозлари фонд биржасининг листингига киритилган бўлса, мажбурий равишда ошкор қилиш фақат фонд биржасининг расмий веб-сайтида амалга оширилади;

агар Жамиятнинг қимматли қоғозлари фонд биржасининг листингига киритилмаган бўлса, мажбурий равишда ошкор қилиш қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органининг расмий веб-сайтида амалга оширилади.

5.3.4. Акцияларнинг очик обунаси фақат ташкил этилган қимматли қоғозлар савдоларида ўтказилади.

5.3.5. Ташкил этилган қимматли қоғозлар савдоларида акциялар ва бошқа эмиссиявий қимматли қоғозлар оммавий жойлаштирилган тақдирда уларнинг чиқарилиши, жойлаштириш ҳажмидан қатъи назар, амалга ошган деб эътироф этилади.

5.3.6. Акцияларни жойлаштириш, шу жумладан акциядорлар ўртасида жойлаштириш тўғрисида қарор қабул қилишда акцияларни жойлаштириш (ташкил этилган қимматли қоғозлар савдоларига чиқариш) нархи Жамият Кузатув кенгаши томонидан қимматли қоғозлар савдоси ташкилотчиларининг савдо майдончаларида вужудга келаётган нархлар конъюнктурасидан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

5.3.7. Жамиятнинг қўшимча акциялари ва бошқа қимматли қоғозларини жойлаштириш чоғида уларга ҳақ тўлаш уларни чиқариш тўғрисидаги қарорда белгиланганидан кам бўлмаган нарх бўйича амалга оширилади.

5.3.8. Жамиятнинг Устав фонди кўпайтирилаётганда Жамиятнинг қўшимча акцияларига унинг ўз капитали ҳисобидан, шунингдек ҳақини қўшимча акциялар билан тўлаш тўғрисида қарор қабул қилинган дивидендлар ҳисобидан ҳақ тўланган тақдирда, бундай акцияларни жойлаштириш Жамият акцияларининг номинал қиймати бўйича амалга оширилади.

5.3.9. Жамиятнинг акцияларини ва бошқа қимматли қоғозларини жойлаштириш чоғида уларга ҳақ тўлаш пул ва бошқа тўлов воситалари, мол-мулк, шунингдек пулда ифодаланадиган баҳога эга бўлган ҳуқуқлар (шу жумладан мулкый ҳуқуқлар) орқали амалга оширилади. Жамиятни қўшимча акциялар ва бошқа қимматли қоғозларга ҳақ тўлаш уларни чиқариш тўғрисидаги қарорда белгилаб қўйилади.

5.3.10. Агар Жамиятнинг пулдан ўзга воситалар билан ҳақи тўланаётган акциялари ва бошқа қимматли қоғозларининг номинал қиймати қонун ҳужжатларида белгиланган базавий ҳисоблаш миқдорининг **икки юз** бараваридан кўпни ташкил этса, Жамиятнинг акциялари ва бошқа қимматли қоғозларининг ҳақи сифатида киритилаётган мол-мулкнинг пулда ифодаланган баҳоси баҳоловчи ташкилот томонидан чиқарилиши зарур.

5.3.11. Жамиятнинг қўшимча акцияларига ушбу акцияларни чиқариш тўғрисидаги қарорда кўрсатилган жойлаштириш муддати ичида ҳақ тўланиши лозим.

5.3.12. Жамият томонидан Жамиятнинг қўшимча акцияларини ва бошқа эмиссиявий қимматли қоғозларини жойлаштириш муддати уларнинг чиқарилиши давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан **бир йилдан** ошмаслиги керак.

Жамиятнинг жойлаштирилмаган акциялари ва бошқа қимматли қоғозлари ушбу бандининг кўрсатилган муддат ўтганидан кейин қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бекор қилиниши керак.

5.3.13. Жамият рўйхатдан ўтказилган қимматли қоғозларни чиқариш тўғрисидаги қарорда кўрсатилган қимматли қоғозларни жойлаштириш муддати ўтган кундан кейин **қонунчиликда белгиланган муддатда**, агар барча қимматли қоғозлар ушбу муддат ўтишидан олдин жойлаштирилган бўлса – ушбу чиқаришдаги сўнгги қимматли қоғозни жойлаштириш кунидан кейин **қонунчиликда белгиланган муддатда** рўйхатдан ўтказувчи органга қимматли қоғозларни чиқариш натижалари тўғрисидаги билдиришномани тақдим этади.

5.4. Акцияларни ва акцияларга айирбошладиган, эмиссиявий қимматли қоғозларни жойлаштиришда имтиёзли олиш ҳуқуқи

5.4.1. Акцияларни ва акцияларга айирбошладиган, ҳақи пул маблағлари билан тўланадиган эмиссиявий қимматли қоғозларни жойлаштиришда овоз берувчи акцияларнинг эгалари бўлган акциядорлар уларни имтиёзли олиш ҳуқуқига эга. Акциядор акцияларни ва акцияларга айирбошладиган эмиссиявий қимматли қоғозларни ўзига тегишли шу турдаги акциялар миқдорига мутаносиб миқдорда имтиёзли олиш ҳуқуқига (бундан буён матнда имтиёзли ҳуқуқ деб юритилади) эга.

5.4.2. Имтиёзли ҳуқуққа эга бўлган шахсларнинг рўйхати қимматли қоғозларни чиқариш тўғрисидаги қарор қабул қилинган санадаги Жамият акциядорлари реестрининг маълумотлари асосида тузилади.

5.4.3. Имтиёзли ҳуқуқ амалга оширилган тақдирда, акциядорлар акцияларнинг ва акцияларга айирбошладиган эмиссиявий қимматли қоғозларнинг фақат бутун миқдорини олиши мумкин.

5.4.4. Жамият акцияларнинг ёки акцияларга айирбошладиган эмиссиявий қимматли қоғозларнинг чиқарилиши давлат рўйхатидан ўтказилган санадан эътиборан **ўн кун** ичида оммавий ахборот воситаларида эълон қилиш орқали ўзининг имтиёзли ҳуқуққа эга бўлган акциядорларига акцияларни ёки акцияларга айирбошладиган эмиссиявий қимматли қоғозларни мазкур акциядорларда мавжуд бўлган акциялар сонига мутаносиб равишда тенг шартларда, қимматли қоғозларни чиқариш тўғрисида қарор қабул қилган Жамиятни Кузатув кенгаши томонидан белгиланган жойлаштириш нархи бўйича олишни тақлиф этиши шарт.

Билдириш матнида жойлаштирилаётган акцияларнинг ва акцияларга айирбошладиган эмиссиявий қимматли қоғозларнинг сони, уларни жойлаштириш нархи, ҳар бир акциядор олишга ҳақли бўлган акцияларнинг ва акцияларга айирбошладиган эмиссиявий қимматли қоғозларнинг сонини аниқлаш тартиби, акциядорларнинг бу ҳуқуқи амал қиладиган муддат ва уни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги маълумотлар бўлиши лозим.

5.4.5. Имтиёзли ҳуқуқнинг амал қилиш муддати билдириш эълон қилинган пайтдан эътиборан **ўн кундан** кам ва **ўттиз кундан** кўп бўлиши мумкин эмас.

5.4.6. Имтиёзли ҳуқуққа эга бўлган акциядор акцияларни ва акцияларга айирбошладиган эмиссиявий қимматли қоғозларни олиши тўғрисида ўзининг исми-шарифи (номи) ва яшаш жойи (жойлашган ери), ўзи оладиган эмиссиявий қимматли қоғозларнинг сони кўрсатилган ёзма шаклдаги аризани ва ҳақ тўлаганлик тўғрисидаги ҳужжатни Жамиятга юбориш орқали ўз имтиёзли ҳуқуқини тўлиқ ёки қисман амалга оширишга ҳақли. Бундай ариза мазкур имтиёзли ҳуқуқнинг амал қилиш муддати ичида жамиятга тақдим этилиши керак.

5.4.7. Имтиёзли ҳуқуқнинг амал қилиш муддати, агар бу муддат ўтганига қадар Жамиятнинг барча акциядорларидан имтиёзли ҳуқуқдан фойдаланиш тўғрисида ёки ундан фойдаланишдан воз кечиш ҳақида ёзма равишда аризалар олинган бўлса, тугайди.

5.4.8. Жамият имтиёзли ҳуқуқнинг амал қилиш муддати тугагунига қадар акцияларни ва акцияларга айирбошланадиган эмиссиявий қимматли қоғозларни уларни олиш бўйича имтиёзли ҳуқуққа эга бўлмаган шахсларга жойлаштиришга ҳақли эмас.

5.4.9. Имтиёзли ҳуқуқнинг амал қилиш муддати тугаганидан кейин қолган акциялар ва акцияларга айирбошланадиган эмиссиявий қимматли қоғозлар уларни чиқариш тўғрисидаги қарорда белгиланган тартибда Жамият томонидан реализация қилинади.

5.4.10. Имтиёзли ҳуқуқдан бошқа шахс фойдасига воз кечишга йўл қўйилмайди.

5.5. Жойлаштирилган акцияларни Жамият томонидан олиш

5.5.1. Жамият ўзи жойлаштирган акцияларни акциядорлар Умумий йиғилишининг жойлаштирилган акцияларнинг бир қисмини олиш ва ушбу акцияларнинг умумий сонини камайтириш йўли билан Жамият Устав фондиди камайтириш тўғрисидаги қарорига кўра, шунингдек уларни кейинчалик белгиланган тартибда қайта сотиш мақсадида Жамият Кузатув кенгашининг қарорига кўра олишга ҳақли.

5.5.2. Агар муомалада қолган акцияларнинг номинал қиймати Жамият Устав фондидинг қонунчиликда назарда тутилган энг кам миқдоридан камайиб кетадиган бўлса, Жамият жойлаштирилган акцияларининг умумий сонини камайтириш мақсадида уларнинг бир қисмини олиш йўли билан Жамиятнинг Устав фондиди камайтириш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли эмас.

5.5.3. Акциядорлар Умумий йиғилишининг акцияларнинг умумий сонини камайтириш мақсадида уларни олиш йўли билан Жамиятнинг Устав фондиди камайтириш тўғрисида қабул қилинган қарори асосида Жамият томонидан олинган акциялар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бекор қилинади.

5.5.4. Акцияларни олиш тўғрисидаги қарорда олинандиган акцияларнинг турлари, Жамият оладиган ҳар бир турдаги акцияларнинг сони, акцияларни олиш нархи, акциялар ҳақини тўлаш шакли ва муддати, шунингдек акциялар қанча муддатда олинини белгилаб қўйилиши керак.

5.5.5. Акцияларни олиш вақтида уларга ҳақ тўлаш пул маблағлари билан амалга оширилади. Акцияларни олиш муддати акцияларни олиш тўғрисидаги қарор билан белгиланади, бу муддат **ўн кундан** кам бўлмаслиги керак. Жамият томонидан оддий акцияларни олиш нархи уларнинг бозор қийматига мувофиқ белгиланади.

5.5.6. Қайси муайян турдаги акцияларни олиш тўғрисида қарор қабул қилинган бўлса, ўша акцияларнинг эгаси бўлган ҳар бир акциядор мазкур акцияларни сотишга ҳақли, Жамият эса уларни олиши шарт. Агар Жамият томонидан олинини тўғрисида акциядорларнинг аризалари тушган акцияларнинг умумий сони Қонуннинг **37-**модда билан белгиланган чекловлар ҳисобга олинган ҳолда Жамият олиши мумкин бўлган акцияларнинг сонидан ортиқ бўлса, акциядорлардан аризада кўрсатилган талабларга мутаносиб равишда акциялар олинади.

5.5.7. Акциялар олинандиган муддат бошланишига кечи билан **ўн кун** қолганда Жамият муайян турдаги акцияларнинг эгалари бўлган акциядорларни Жамият томонидан акциялар олинини тўғрисида оммавий ахборот воситаларида эълон қилиш ва ўз расмий веб-сайтида жойлаштириш орқали хабардор этиши шарт. Билдиришда мазкур Уставнинг **5.44. бандида** кўрсатиб ўтилган маълумотлар бўлиши лозим.

5.5.8. Жамият тасарруфига ўтган акциялар овоз бериш ҳуқуқини бермайди, овозларни санаб чиқишда ҳисобга олинмайди, улар бўйича дивидендлар ҳисоблаб чиқарилмайди.

5.5.9. Кейинчалик қайта сотиш мақсадида Жамият тасарруфига ўтган акциялар улар Жамият тасарруфига ўтган пайдан эътиборан **бир йилдан** кечиктирмай реализация қилиниши керак, ақс ҳолда акциядорларнинг Умумий йиғилиши Жамиятнинг Устав фондиди камайтириш тўғрисида қарор қабул қилиниши лозим. Кўрсатилган муддатда реализация қилинмаган акциялар бекор қилиниши керак.

5.5.10. Жамият томонидан ўз акцияларининг олинини, агар қонун ҳужжатларида бошқача қоида белгиланмаган бўлса, мустақил равишда ёки қимматли қоғозлар бозорининг профессионал иштирокчилари орқали амалга оширилади.

5.5.11. Жамият ўзи чиқарган акциялар бўйича уларни қайтариб сотиб олиш шarti билан битимлар тузишга, шунингдек ўзи чиқарган акцияларни ишончли бошқарувга беришга ҳақли эмас.

6. Акциядорларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

6.1. Жамият акциядорларининг ҳуқуқлари қуйидагилардан иборат:

Жамият акциядорларининг реестрига киритилиш;

депо ҳисобварағидан ўзига тааллуқли кўчирма олиш;

Жамият фойдасининг бир қисмини дивидендлар тарзида олиш;

Жамият тугатилган тақдирда ўзларига тегишли улушга мувофиқ мол-мулкнинг бир қисмини олиш;

акциядорларнинг Умумий йиғилишларида овоз бериш орқали Жамиятни бошқаришда иштирок этиш;

Жамиятнинг молия-хўжалик фаолияти натижалари тўғрисида тўлиқ ва ишончли ахборотни белгиланган тартибда олиш;

олган дивидендини эркин тасарруф этиш;

қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органида, шунингдек судда ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш;

ўзига етказилган зарарнинг ўрни қопланишини белгиланган тартибда талаб қилиш;

ўз манфаатларини ифодалаш ва ҳимоя қилиш мақсадида уюшмаларга ва бошқа нодавлат нотижорат ташкилотларига бирлашиш;

қимматли қоғозларни олишда зарар кўриш, шу жумладан бой берилган фойда эҳтимоли билан боғлиқ таваккалчиликларни суғурта қилиш ҳуқуқига эга.

Акциядорлар қонун ҳужжатларига ва мазкур Уставига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

6.2. Акциядор томонидан ҳуқуқларнинг амалга оширилиши бошқа акциядорларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан ҳимояланадиган манфаатларини бузмаслиги лозим.

6.3. Акцияларни бошқа шахсга беришга доир чеклов белгиланиши акциядорни – мазкур акциялар эгасини Қонунда белгиланган тартибда Жамиятни бошқаришда иштирок этиш ва улар бўйича дивидендлар олиш ҳуқуқидан маҳрум қилмайди.

6.4. Оддий акцияларнинг эгалари бўлган акциядорлар Қонунга ва Жамият Уставига мувофиқ акциядорларнинг Умумий йиғилишида мазкур йиғилиш ваколатига кирадиган барча масалалар бўйича овоз бериш ҳуқуқи билан иштирок этиши мумкин, шунингдек дивидендлар олиш, Жамият тугатилган тақдирда эса, ўзларига тегишли улушга мувофиқ Жамият мол-мулкнинг бир қисмини олиш ҳуқуқига эга.

6.5. Жамият акциядорларининг мажбуриятлари:

Жамиятга зарар етказилиши мумкин бўлган ҳатти-ҳаракатларга йўл қўймаслик;

имкон қадар Жамият бошқа органлари томонидан қарорлар қабул қилинишини чеклайдиган ёхуд тўсқинлик қиладиган ҳаракатлар (ҳаракатсизлик)га йўл қўймаслик, акциядорнинг қонунчилик билан назарда тутилган ҳуқуқларини амалга ошириши бундан мустасно;

қонунчилик, мазкур Устав ва акцияларни жойлаштириш тўғрисидаги қарорлар билан назарда тутилган муддат, тартиб ва усулларда акцияларни тўлаш;

Устав талаблари ҳамда Жамият бошқарув органлари қарорларини бажариш;

акциядор ўзига оид маълумотлардаги ўзгаришлар ҳақида унинг акцияларга бўлган ҳуқуқларини ҳисобга олиш бўйича хизматлар кўрсатувчи Марказий депозитарийни ва (ёки) инвестиция воситачисини ўз вақтида хабардор қилиш. Акциядор ўзига оид маълумотлар ўзгарганлиги ҳақидаги ахборотни тақдим этмаган ҳолларда, акциядорнинг ўз акцияларига бўлган ҳуқуқларини ҳисобга олиш бўйича хизматлар кўрсатувчи Марказий депозитарий ва (ёки) инвестиция воситачиси бунинг оқибатида акциядорга етказилган зарар учун жавобгар бўлмайди;

қонунчиликда белгиланган тартибда Жамият билан битим тузишда аффилиланган эканлиги тўғрисида тузилиши кутилаётган битим ҳақидаги Жамиятга маълумотларни бериш;

Жамият ёки унинг фаолияти тўғрисидаги хизмат, тижорат сирини ёки қонун билан ҳимояланадиган бошқа сирни ташкил этувчи ахборотни сақлаш;
қонунчилик, мазкур Устав ҳамда Жамиятнинг ички ҳужжатлари билан назарда тутилган бошқа мажбуриятларни амалга ошириш.

7. Даромад (фойда)ни тақсимлаш, дивидендларни тўлаш ва зарарни қоплаш

7.1. Солиқлар ва мажбурий тўловлар амалга оширилгандан сўнг Жамият тасарруфида қолган даромад (фойда)ни тақсимлаш Жамият Кузатув кенгашининг тавсиясига кўра акциядорлар Умумий йиғилишининг қарорига мувофиқ амалга оширилади.

7.2. Дивиденд Жамият соф фойдасининг акциядорлар ўртасида тақсимланадиган қисмидир.

7.3. Жамият акцияларнинг ҳар бир тури бўйича эълон қилинган дивидендларни тўлаши шарт.

7.4. Дивиденд акциядорларнинг Умумий йиғилиши қарорига кўра пул маблағлари ёки бошқа қонуний тўлов воситалари ёхуд Жамиятнинг қимматли қоғозлари билан тўланиши мумкин.

7.5. Дивиденд акциядорлар ўртасида уларга тегишли акцияларнинг сони ва турига мутаносиб равишда тақсимланади.

7.6. Жамият молиявий йилнинг биринчи чораги, ярим йиллиги, тўққиз ойи натижаларига кўра ва (ёки) молиявий йил натижаларига кўра жойлаштирилган акциялар бўйича дивидендлар тўлаш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли.

Жамиятнинг молиявий йилнинг биринчи чораги, ярим йиллиги ва тўққиз ойи натижаларига кўра дивидендлар тўлаш тўғрисидаги қарори тегишли давр тугагандан кейин **уч ой** ичида қабул қилиниши мумкин.

7.7. Акцияларнинг ҳар бир тури бўйича дивидендлар тўлаш, дивиденднинг миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби тўғрисидаги қарор Жамият Кузатув кенгашининг тавсияси, молиявий ҳисоботнинг ишончилиги ҳақида аудиторлик хулосаси мавжуд бўлган тақдирда, молиявий ҳисобот маълумотлари асосида акциядорларнинг Умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади. Дивидендларнинг миқдори Жамият Кузатув кенгаши томонидан тавсия этилган миқдордан кўп бўлиши мумкин эмас. Дивидендлар тўлаш тўғрисидаги қарорда дивидендлар тўлаш бошланадиган ва тугалланадиган саналар кўрсатилган бўлиши лозим.

7.8. Дивидендлар Жамият тасарруфида қоладиган соф фойдасидан ва (ёки) ўтган йилларнинг тақсимланмаган фойдасидан тўланади.

7.9. Дивидендларни тўлаш муддати ва тартиби акциядорларнинг Умумий йиғилиши қарорига белгиланади. Дивидендларни тўлаш муддати шундай қарор қабул қилинган кундан эътиборан **олтмиш** кундан кеч бўлмаслиги лозим.

7.10. Эгаси ёки эгасининг қонуний ҳуқуқий вориси ёхуд меросхўри томонидан **уч йил** ичида талаб қилиб олинмаган дивиденд акциядорларнинг Умумий йиғилиши қарорига кўра Жамият ихтиёрида қолади.

7.11. Жамият Ўзбекистон Республикаси норезидент акциядорининг ёзма талабига кўра унга ҳисобланган дивидендларни эркин айирбошланадиган валютага айирбошлаб, маблағларни норезидент акциядор тақдим этган банк ҳисобварағига ўтказиб бериши шарт.

Жамият акциядорларининг реестридан олинган, Жамият томонидан тасдиқланган кўчирма ҳамда Жамият бухгалтериясининг ҳисобланган дивидендлар суммаси ва улар ҳисобланган сана тўғрисидаги маълумотномаси айирбошлаш учун асос бўлиб хизмат қилади.

7.12. Акциядорларга дивидендларни тўлаш тўғрисида қарор қабул қилинган акциядорларнинг Умумий йиғилишини ўтказиш учун шакллантирилган Жамият акциядорларининг реестрида қайд этилган шахслар акциялар бўйича дивиденд олиш ҳуқуқига эга.

7.13. Дивидендлар акциядорларнинг Умумий йиғилиши томонидан белгиланган муддатларда Жамиятнинг айби билан тўланмаган тақдирда тўланмаган (олинмаган)

дивидендлар бўйича Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган қайта молиялаштириш ставкаларидан келиб чиққан ҳолда пеня ҳисобланади.

Жамият томонидан ҳисобланган дивидендларни ва пеняларни тўлашни акциядор суд тартибида талаб қилишга ҳақли. Акциядорнинг талаблари суд томонидан қаноатлантирилганда дивидендларни тўлаш Жамият томонидан рад этилган тақдирда, Жамиятга нисбатан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тўловга қобилиятсизликни бартараф этиш ёки банкрот деб эълон қилиш тартиб-таомили қўлланилади.

7.14. Жамият:

агар дивидендлар тўланадиган пайтда жамиятда банкротлик белгилари мавжуд бўлса ёки жамиятда шундай белгилар дивидендларни тўлаш натижасида пайдо бўлса;

агар жамият соф активларининг қиймати унинг Устав фонди ва Захира фонди суммасидан кам бўлса, акциялар бўйича дивидендлар тўлаш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳамда дивидендлар тўлашга ҳақли эмас.

Ушбу бандида кўрсатилган ҳолатлар тугатилгач, Жамият ҳисобланган дивидендларни акциядорларга тўлаши шарт.

7.15. Жамият дивидендларнинг миқдорини улардан ундириладиган солиқларни инобатга олмаган ҳолда эълон қилади. Жамият тўланадиган дивидендлар миқдори тўғрисидаги маълумотларни қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органининг ва жамиятнинг расмий веб-сайтларида қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда эълон қилади.

7.16. Жамият фаолиятини амалга ошириш жараёнида юзага келган зарарларни тўлаш (қоплаш) Захира фонди ҳисобига амалга оширилади. Зарарларни тўлаш (қоплаш) учун Захира фонди маблағлари етишмаган тақдирда, зарарлар акциядорлар Умумий йиғилишининг қарори асосида Жамиятнинг қонунчилик билан йўл қўйиладиган бошқа маблағлари ҳисобига тўланиши (қопланиши) мумкин.

8. Захира ва бошқа фондлар

8.1. Жамият Устав фондининг **15 (ўн беш) фоизи** миқдорида Захира фонди ташкил этилади. Жамиятнинг Захира фонди Жамиятнинг Устав фондида белгиланган миқдорга етгунига қадар ҳар йили соф фойдадан камида **5 (беш) фоиз** миқдорида мажбурий ажратмалар ўтказиш орқали шакллантирилади.

8.2. Бошқа маблағлар мавжуд бўлмаган тақдирда, Жамиятнинг Захира фонди Жамиятнинг зарарлари ўрнини қоплаш, Жамиятнинг корпоратив облигацияларини муомаладан чиқариш, имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар тўлаш ва Жамиятнинг акцияларини қайтариб сотиб олиш учун мўлжалланади.

Жамиятнинг Захира фондидан бошқа мақсадлар учун фойдаланиш мумкин эмас.

8.3. Жамиятнинг Захира фонди тўлалигича ёки қисман сарфланиб бўлган ҳолларида, мажбурий ажратмалардан тикланади.

8.4. Жамият бошқа мақсадли фондларни ташкил этишга ҳақли. Фондларнинг мақсади, миқдори, ташкил қилиш манбалари ва фойдаланиш тартиби акциядорларнинг Умумий йиғилиши томонидан белгиланади.

9. Жамиятни бошқариш ва Жамият фаолиятини назорат қилиш

9.1. Жамиятни бошқариш қонунчилик, мазкур Устав ҳамда Жамиятнинг ички ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

9.2. Жамиятни бошқариш акциядорларнинг Умумий йиғилиши, Кузатув кенгаши ҳамда Бош директор томонидан амалга оширилади.

Акциядорларнинг Умумий йиғилиши – Жамият бошқарувининг олий органи.

Кузатув кенгаши – Жамият фаолиятининг умумий бошқарувини амалга оширувчи Жамиятнинг бошқарув органи, акциядорлар Умумий йиғилишининг ваколатларига киритилган масалаларни ҳал қилиш бундан мустасно.

Бош директор – Жамиятнинг жорий фаолиятига раҳбарликни амалга оширувчи

яккабошчилик асосидаги ижро органи, акциядорлар Умумий йиғилиши ҳамда Кузатув кенгашининг ваколатларига киритилган масалалар бундан мустасно.

9.3. Жамиятнинг **Ички аудит хизмати** Жамиятнинг Бош директори, филиаллари ва ваколатхоналари томонидан қонун ҳужжатларига, Жамият Уставига ва бошқа ҳужжатларга риоя этилишини, бухгалтерия ҳисобида ва молиявий ҳисоботларда маълумотларнинг тўлиқ ҳамда ишончли тарзда акс эттирилиши таъминланишини, хўжалик операцияларини амалга оширишнинг белгиланган қоидалари ва тартиб-таомилларига риоя этилишини, активларнинг сақланишини, шунингдек Жамиятни бошқариш юзасидан қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилишини текшириш ҳамда мониторинг олиб бориш орқали Жамиятнинг Бош директори, филиаллари ва ваколатхоналари ишини назорат қилади ҳамда баҳолайди.

9.4. Корпоратив қонунчилигига риоя этилиши устидан назорат қилиш вазифасини бажарувчи Жамият **Корпоратив маслаҳатчиси** томонидан амалга оширилади.

9.5. Жамиятнинг молиявий-хўжалик фаолиятини текшириш ва унга хулосаларни бериш Жамият билан тузилган шартнома асосида Жамият ваколатли орган томонидан белгиланган **аудиторлик ташкилоти** амалга оширади.

9.1. Акциядорларнинг Умумий йиғилиши

9.1.1. **Акциядорларнинг Умумий йиғилиши** Жамиятнинг юқори бошқарув органидир.

9.1.2. Акциядорлар Умумий йиғилиши ўз ишини қонунчилик, мазкур Устав ва акциядорлар Умумий йиғилиши томонидан тасдиқланган акциядорлар Умумий йиғилиши тўғрисидаги Низоми асосида амалга оширади.

9.1.3. Жамият **ҳар йили** акциядорларнинг Умумий йиғилишини (акциядорларнинг йиллик Умумий йиғилишини) ўтказиши шарт.

9.1.4. Акциядорларнинг йиллик Умумий йиғилиши молия йили тугаганидан кейин **олти ойдан** кечиктирмай ўтказилади.

Акциядорларнинг йиллик Умумий йиғилишида қуйидаги масалалар кўрилади:

- Кузатув кенгашини сайлаш;
- Жамиятнинг йиллик ҳисоботи ва бизнес-режаси ижроси бўйича ҳисобот;
- Кузатув кенгаши ва Ижроия органининг Жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилатган чора-тадбирлар тўғрисидаги ҳисоботлари;
- фойда ва зарарларини тақсимлаш;
- жамият Кузатув кенгашининг ваколат доирасига кирадиган масалалар юзасидан, шу жумладан, жамиятни бошқаришга доир қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан жамият кузатув кенгашининг ҳисоботларини эшитиш.

Йиғилишда бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилиши мумкин.

Жамият овоз берувчи акцияларининг ҳаммаси бўлиб камида **бир** фоизига эгалик қилувчи акциядорлар (акциядор) Жамиятнинг молия йили тугаганидан кейин **тўқсон кундан** кечиктирмай акциядорларнинг йиллик Умумий йиғилиши кун тартибига масалалар киритишга ҳамда Жамият Кузатув кенгаши бу органнинг миқдор таркибидан ошмайдиган тарзда номзодлар кўрсатишга ҳақли, бундан Кузатув кенгашининг мустақил аъзолигига номзодлар кўрсатиш мустасно.

9.1.5. Акциядорларнинг йиллик Умумий йиғилишидан ташқари ўтказиладиган Умумий йиғилишлари навбатдан ташқари йиғилишлардир.

Акциядорларнинг навбатдан ташқари Умумий йиғилиши Жамият Кузатув кенгашининг қарорига кўра унинг ўз ташаббуси асосида, шунингдек ёзма талаб тақдим этилган санада Жамият овоз берувчи акцияларининг камида **беш фоизига** эгалик қилувчи акциядорнинг (акциядорларнинг) ёзма талаби асосида ўтказилади.

9.1.6. Акциядорлар Умумий йиғилишининг ваколат доирасига қуйидагилар киради:

Жамият Уставига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ёки Жамиятнинг янги тахрирдаги Уставни тасдиқлаш;

Жамиятни қайта ташкил этиш;

Жамиятни тугатиш, тугатувчини тайинлаш ҳамда оралиқ ва якуний тугатиш балансларини тасдиқлаш;

Жамият Кузатув кенгашининг сон таркибини белгилаш, уларнинг аъзоларини сайлаш ва аъзоларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;

эълон қилинган акцияларнинг энг кўп миқдорини белгилаш;

Жамиятнинг Устав фондини камайтириш;

Жамиятнинг Устав фондини камайтириш мақсадида ўз акцияларини олиш;

Жамият акциядорларнинг Умумий йиғилиши, Кузатув кенгаши, Бош директор тўғрисидаги уларнинг фаолият тартибини, ҳуқуқ ва мажбуриятларини, шунингдек Жамиятнинг мазкур органлари томонидан қарорлар қабул қилиш тартиб-таомилини белгиловчи низомларни тасдиқлаш;

жамиятнинг йиллик ҳисоботини, шунингдек жамият фаолиятининг асосий йўналишлари ва мақсадидан келиб чиққан ҳолда жамиятни ўрта муддатга ва узоқ муддатга ривожлантиришнинг аниқ муддатлари белгиланган стратегиясини тасдиқлаш;

Жамиятнинг фойдаси ва зарарларини тақсимлаш;

Жамият Кузатув кенгашининг ваколат доирасига кирадиган масалалар юзасидан, шу жумладан Жамиятни бошқаришга доир қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан Жамият Кузатув кенгашининг ҳисоботларини эшитиш;

имтиёзли ҳуқуқни қўлламаслик тўғрисида Қонунда ва мазкур Уставда назарда тутилган қарорни қабул қилиш;

акциядорлар Умумий йиғилишининг регламентини тасдиқлаш;

акцияларни майдалаш ва йириклаштириш;

Қонунда назарда тутилган ҳолларда Жамият томонидан битимлар тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

Корпоратив бошқарув кодекси тавсияларига риоя этиш мажбуриятини олиш тўғрисида қарор қабул қилиш ва хабарни ошкор қилиш шаклини тасдиқлаш;

Жамиятнинг бошқарув органлари тўғрисидаги, шу жумладан ички назорат, дивиденд сиёсати тўғрисидаги, манфаатлар қарама-қаршилиги вақтида ҳаракат қилиш тартиби тўғрисидаги низомларини тасдиқлаш;

ҳар йили мустақил профессионал ташкилотлар – маслаҳатчиларни жалб қилган ҳолда бизнес-жараёнлар ва лойиҳаларнинг Жамиятнинг ривожланиш мақсадларига мувофиқлиги юзасидан таҳлил ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

ҳомийлик (хайрия) ёки беғараз ёрдам кўрсатиш (олиш) тартиби ва шартларини белгилаш, уларни амалга ошириш ваколатини Кузатув кенгашига бериш тўғрисида қарор қабул қилиш;

электрон почта орқали (электрон рақамли имзо билан тасдиқланган ҳолда), шунингдек, ўз ваколатини вакилга бериш йўли билан овоз бериш ёки Умумий йиғилишни видеоконференц-алоқа тарзида ўтказиш тартибини белгилаш (тасдиқлаш);

Санок комиссиясига амалий кўмак кўрсатиш ёки унинг функциясини бажариш учун мустақил экспертларни жалб этиш (масалан, инвестиция маслаҳатчиси ёки қимматли қоғозлар бозорининг бошқа профессионал иштирокчиси) тартибини белгилаш (тасдиқлаш);

Жамият маблағлари ҳисобидан миноритар акциядорлик қўмитасини сақлаш харажатини қоплаш (миноритар акциядорлик қўмитаси тузилган тақдирда) тартибини белгилаш (тасдиқлаш);

акциядорларнинг Умумий йиғилишида ҳисобот берувчи Жамият бошқарув ва назорат органлари маърузалари (ҳисоботлари) шакли ва мазмунига бўлган талабларни, акциядорлар Умумий йиғилиши давомийлигини белгилаш;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа масалаларни ҳал этиш.

Акциядорлар Умумий йиғилишининг ваколат доирасига киритилган масалалар Жамиятнинг Бош директори ҳал қилиши учун берилиши мумкин эмас.

Акциядорлар Умумий йиғилишининг ваколат доирасига киритилган масалалар Жамиятнинг Кузатув кенгаши ҳал қилиши учун берилиши мумкин эмас.

9.1.7. Акциядорларнинг Умумий йиғилишида овозга қўйилган масалалар бўйича Жамиятнинг оддий акциялари эгалари бўлган акциядорлар овоз бериш ҳуқуқига эга.

9.1.8. Овозга қўйилган масала бўйича акциядорлар Умумий йиғилишининг қарори, агар Қонунда бошқача қоида белгиланмаган бўлса, Жамиятнинг овоз берувчи акциялари эгалари бўлган, йиғилишда иштирок этаётган акциядорларнинг кўпчилик (**оддий кўпчилик**) овози билан қабул қилинади.

9.1.9. Қўйидаги масалалари бўйича:

Жамият Уставига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш ёки жамиятнинг янги тахрирдаги Уставини тасдиқлаш, Жамият Уставига Жамиятнинг Устав фондини акцияларнинг номинал қийматини ошириш йўли билан кўпайтириш билан боғлиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бундан мустасно;

Жамиятни қайта ташкил этиш;

Жамиятни тугатиш, тугатувчини тайинлаш ҳамда оралиқ ва якуний тугатиш балансларини тасдиқлаш;

эълон қилинган акцияларнинг энг кўп миқдорини белгилаш;

Жамият Кузатув кенгашининг ваколат доирасига кирадиган масалалар юзасидан, шу жумладан Жамиятни бошқаришга доир қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан Жамият Кузатув кенгашининг ҳисоботларини эшитиш;

Қонунда назарда тутилган ҳолларда Жамият томонидан битимлар тузиш тўғрисида қарор акциядорлар Умумий йиғилиши томонидан акциядорларнинг Умумий йиғилишида иштирок этаётган овоз берувчи акцияларнинг эгалари бўлган акциядорларнинг **тўртдан уч қисмидан** иборат кўпчилик (**малакали кўпчилик**) овози билан қабул қилинади.

9.1.10. Акциядорларнинг Умумий йиғилиши кун тартибига киритилмаган масалалар бўйича қарор қабул қилишга, шунингдек кун тартибига ўзгартишлар киритишга ҳақли эмас.

9.1.11. Акциядорлар Умумий йиғилишини кун тартибига масалалар киритишга таклиф кўриб чиқиш, уни чақириш, шунингдек акциядорларнинг Умумий йиғилишини олиб бориш тартиби бўйича акциядорлар Умумий йиғилиши томонидан қарор қабул қилиш тартиблари Қонун мувофиқ Умумий йиғилиши қарори билан тасдиқланган акциядорлар Умумий йиғилиши тўғрисидаги низомда белгиланади.

9.1.12. Акциядорларнинг Умумий йиғилишини ўтказиш санаси ва тартиби, йиғилиш ўтказилиши ҳақида акциядорларга хабар бериш тартиби, акциядорларнинг Умумий йиғилишини ўтказишга тайёргарлик вақтида акциядорларга бериладиган материалларнинг (ахборотнинг) рўйхати Жамиятнинг Кузатув кенгаши томонидан белгиланади.

9.1.13. Акциядорларнинг Умумий йиғилиши ўтказиладиган сана уни ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан эътиборан **йигирма тўрт кундан** кам ва **ўттиз кундан** кўп этиб белгиланиши мумкин эмас.

9.1.14. Акциядорларнинг Умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисидаги хабар акциядорларнинг Умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан **камида йигирма бир кундан** кечиктирмай, лекин узоғи билан **ўттиз кун олдин** Корпоратив ахборотнинг ягона порталида, Жамиятнинг расмий веб-сайтида ва оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади, шунингдек акциядорларга электрон почта орқали юборилади.

9.1.15. Акциядорларнинг Умумий йиғилишини ўтказиш чоғида Умумий йиғилишда, кун тартибидаги масалаларни муҳокама қилиш ва овозга қўйилган масалалар бўйича қарорлар қабул қилишда иштирок этиш имкониятини берадиган ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланилиши мумкин.

9.1.16. Акциядорларнинг Умумий йиғилишини ўтказишга тайёргарлик кўрилаётганда акциядорларга тақдим этилиши лозим бўлган ахборотга (материалларга) Жамиятнинг йиллик ҳисоботи, Жамиятнинг йиллик молия-хўжалик фаолиятини текшириш натижалари юзасидан аудиторлик ташкилотининг хулосаси, шунингдек жамиятнинг Кузатув кенгаши аъзолигига номзодлар тўғрисидаги маълумотлар, Жамиятнинг Уставига киритиладиган ўзгартиш ва қўшимчалар лойиҳаси ёки Жамиятнинг янги тахрирдаги Устави лойиҳаси киради.

Акциядорларнинг Умумий йиғилишини ўтказишга тайёргарлик кўриладиганда акциядорларга тақдим этилиши мажбурий бўлган кўшимча ахборотнинг (материалларнинг) рўйхати қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи томонидан белгиланиши мумкин.

9.1.17. Овозларни санаб чиқиш, акциядорларнинг Умумий йиғилишида иштирок этиши учун акциядорларни рўйхатга олиш, шунингдек овоз бериш бюллетенларини тарқатиш учун Жамият Кузатув кенгаши томонидан **Саноқ комиссияси** тузилиб, унинг аъзолари сони ва шахсий таркиби акциядорларнинг Умумий йиғилиши томонидан тасдиқланади.

Саноқ комиссияси акциядорларнинг Умумий йиғилишида кворум бор ёки йўқлигини аниқлайди, Умумий йиғилишда овоз бериш ҳуқуқларининг акциядорлар (уларнинг вакиллари) томонидан амалга оширилиши муносабати билан юзага келадиган масалаларни тушунтиради, овозга қўйилмайдиган масалалар бўйича овоз бериш тартибини тушунтиради, овоз беришнинг белгиланган тартиби ва акциядорларнинг овоз беришда иштирок этиш ҳуқуқларини таъминлайди, овозларни санаб чиқади ва овоз бериш яқунларини чиқаради, овоз бериш яқунлари тўғрисида баённома тузади, овоз бериш бюллетенларини Жамиятнинг архивига топширади.

9.1.18. Акциядорларнинг Умумий йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқига акциядорларнинг Умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан **уч иш** куни олдин шакллантирилган Жамият акциядорларининг реестрида қайд этилган акциядорлар эга бўлади.

Жамият акциядорнинг талабига кўра акциядорга у акциядорларнинг Умумий йиғилишини ўтказиш учун шакллантирилган Жамият акциядорларининг реестрига киритилганлиги тўғрисида ахборот тақдим этиши шарт.

9.1.19. Акциядорларнинг Умумий йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқи акциядор томонидан шахсан ёки унинг вакили орқали амалга оширилади.

Акциядор акциядорларнинг Умумий йиғилишидаги ўз вакилини исталган вақтда алмаштиришга ёки йиғилишда шахсан ўзи иштирок этишга ҳақлидир.

9.1.20. Агар акциядорларнинг Умумий йиғилишида иштирок этиш учун рўйхатдан ўтказиш тугалланган пайтда Жамиятнинг жойлаштирилган овоз берувчи акцияларининг жами **эллик фоиздан** кўпроқ овозига эга бўлган акциядорлар (уларнинг вакиллари) рўйхатдан ўтган бўлса, акциядорларнинг Умумий йиғилиши ваколатли (кворумга эга) бўлади.

Агар акциядорларнинг ўтказилмай қолган йиғилиши ўрнига чақирилган такрорий Умумий йиғилишида иштирок этиш учун рўйхатдан ўтказиш тугалланган пайтда Жамиятнинг жойлаштирилган овоз берувчи акцияларининг жами **қирқ фоиздан** кўпроқ овозига эга бўлган акциядорлар (уларнинг вакиллари) рўйхатдан ўтган бўлса, акциядорларнинг такрорий Умумий йиғилиши ваколатли бўлади.

9.1.21. Акциядорларнинг Умумий йиғилишида овоз бериш **«жамиятнинг овоз берувчи битта акцияси – битта овоз»** принципи бўйича амалга оширилади, Жамиятнинг Кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш бўйича кумулятив овоз беришни ўтказиш ҳоллари бундан мустасно.

9.1.22. Акциядорларнинг Умумий йиғилишида кун тартибидаги масалалар бўйича овоз бериш овоз бериш бюллетенлари орқали ёки ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда масофадан туриб амалга оширилади.

9.1.23. Акциядорларнинг Умумий йиғилиши томонидан қабул қилинган қарорлар, шунингдек овоз бериш яқунлари Қонунда ҳамда мазкур Уставда назарда тутилган тартиб ва муддатларда **ўттиз кундан** кечиктирмай акциядорлар эътиборига етказилади.

Акциядорларнинг Умумий йиғилиши томонидан қабул қилинган қарорлар, шунингдек овоз бериш яқунлари акциядорларнинг овоз бериш ўтказилган Умумий йиғилишида ўқиб эшиттирилади, шунингдек акциядорларнинг Умумий йиғилиши ёпилганидан кейин овоз бериш яқунлари тўғрисидаги ҳисоботни эълон қилиш орқали **қонунчиликда белгиланган муддатда** акциядорлар эътиборига етказилади.

9.2. Кузатув кенгаши

9.2.1. Жамиятнинг **Кузатув кенгаши** Жамият фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади, акциядорлар Умумий йиғилишининг ваколат доирасига киритилган масалаларни ҳал этиш бундан мустасно.

9.2.2. Жамият Кузатув кенгаши ўз ишини қонунчилик, мазкур Устав ва акциядорларнинг Умумий йиғилиши қарори билан тасдиқланган Кузатув кенгаши тўғрисидаги низом асосида амалга оширади.

9.2.3. Жамият Кузатув кенгаши аъзоларининг сони **уч** кишидан иборат, шундан **битта** мустақил аъзо.

Жамият Кузатув кенгашининг аъзолари Қонунда ва мазкур Уставда назарда тутилган тартибда акциядорларнинг Умумий йиғилиши томонидан **уч йил** муддатга сайланади.

9.2.4. Жамиятнинг Кузатув кенгаши таркибига сайланган шахслар чекланмаган тарзда қайта сайланиши мумкин.

Жамият Бош директори Кузатув кенгашига сайланиши мумкин эмас.

Айни шу Жамиятда меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ишлаётган шахслар Жамиятнинг Кузатув кенгаши аъзоси бўлиши мумкин эмас.

Жамиятнинг Кузатув кенгаши таркибига сайланадиган шахсларга нисбатан қўйиладиган талаблар мазкур Устави билан ёки акциядорларнинг Умумий йиғилиши томонидан тасдиқланган қарорда белгилаб қўйилиши мумкин.

Жамиятнинг Кузатув кенгаши аъзолари сайлови кумулятив овоз бериш орқали амалга оширилади.

Жамият Кузатув кенгашининг Раиси Кузатув кенгаши аъзоларининг умумий сонига нисбатан **кўпчилик** овоз билан, ушбу кенгаш таркибидан Кузатув кенгаши аъзолари томонидан сайланади.

Жамиятнинг Кузатув кенгаши ўз Раисини Кузатув кенгаши аъзоларининг умумий сонига нисбатан **кўпчилик** овоз билан қайта сайлашга ҳақли.

9.2.5. Жамият Кузатув кенгашининг ваколат доирасига қуйидагилар киради:

жамиятнинг бизнес-режаси кўрсаткичлари бажарилиши, шунингдек, ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилатган чора-тадбирлар тўғрисида жамият ижроия органининг ҳисоботини мунтазам равишда эшитиб борган ҳолда жамият фаолиятининг устувор йўналишларини белгилаш;

Жамиятнинг Устав фондиди эълон қилинган акцияларнинг сони ва турлари доирасида қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтириш;

акцияларни жойлаштириш тўғрисида қарор қабул қилишда акцияларни жойлаштириш (ташқил этилган қимматли қоғозлар савдоларига чиқариш) нархини қимматли қоғозлар савдоси ташкилотчиларининг савдо майдончаларида вужудга келатган нархлар конъюнктурасидан келиб чиққан ҳолда белгилаш;

акциялар чиқариш тўғрисидаги қарорни тасдиқлаш;

корпоратив облигациялар, шу жумладан акцияларга айирбошланадиган облигациялар чиқариш тўғрисидаги қарорни қабул қилиш ва тасдиқлаш;

қимматли қоғозларнинг ҳосилаларини чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;

эмиссия рисоласини тасдиқлаш;

аввал рўйхатдан ўтказилган қимматли қоғозлар чиқаришларига (қимматли қоғозларни чиқариш тўғрисидаги қарор ва (ёки) рисолага) ўзгартиришлар ва (ёки) қўшимчалар киритиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

хомийлик (хайрия) ёки беғараз ёрдам кўрсатиш (олиш) тўғрисида қарорларни фақат акциядорларнинг Умумий йиғилиши томонидан белгиланган тартиб ва шартлар асосида, шунингдек, қонун ҳужжатларида белгиланган доирада, бу ҳақда барча акциядорлар учун маълумотларни ошкор этган тарзда қабул қилиш;

Кузатув кенгаши қошида Кузатув кенгаши, ижроия органлари аъзолари, Жамият ходимлари ва жалб этилган экспертлар (тегишли соҳа мутахассислари, соҳа олий таълим муассасалари ўқитувчилари ва бошқалар)дан иборат тегишли масалалар, шу жумладан, низоли

вазиятларни аниқлаш ва ҳал этиш ва бошқа масалалар бўйича қўмиталар (ишчи гуруҳлари) ташкил этиш;

қонунчиликда белгиланган ҳолда қимматли қоғозлар жойлаштирилиши ва муомаласини тўхтатиб туриш тўғрисида қарор қабул қилиш;

Жамият ўзи жойлаштирган акцияларни уларни кейинчалик белгиланган тартибда қайта сотиш мақсадида қарор қабул қилиш;

корпоратив облигацияларини қайтариб сотиб олиш тўғрисида қарор қабул қилиш;
акциядорларнинг йиллик ва навбатдан ташқари Умумий йиғилишларини чақириш,
бундан Қонун **65-моддасининг ўн биринчи қисмида** назарда тутилган ҳоллар мустасно;
акциядорлар Умумий йиғилишининг кун тартибини тайёрлаш;

акциядорларнинг Умумий йиғилиши ўтказиладиган сана, вақт ва жойни белгилаш;
акциядорларнинг Умумий йиғилиши ўтказилиши ҳақида хабар қилиш учун Жамият акциядорларининг реестрини шакллантириш санасини белгилаш;

Умумий йиғилиш ўтказиш учун Жамият акциядорларининг реестри шакллантириладиган санани белгилаш;

Жамият Уставига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ёки Жамиятнинг янги таҳрирдаги Уставини тасдиқлаш масалаларни акциядорларнинг Умумий йиғилиши ҳал қилиши учун киритиш;

Жамият Бош директорини сайлаш, унинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;

Жамиятнинг Бош директорига тўланадиган ҳақ ва (ёки) компенсацияларни, шунингдек уларнинг энг юқори миқдорларини белгилаш;

Бош директор билан тузилган шартномаларни амал қилиш муддатини узайтириш ёки уни бекор қилиш мумкинлиги тўғрисида қарор қабул қилиш;

мол-мулкнинг бозор қийматини белгилашни ташкил этиш;

жамиятнинг йиллик бизнес-режасини жорий йилнинг 1 декабридан кечиктирмай тасдиқлаш;

ички аудит хизматини ташкил этиш ва унинг ходимларини тайинлаш, шунингдек ҳар чорақда унинг ҳисоботларини эшитиб бориш;

Жамият ижроия органининг фаолиятига дахлдор ҳар қандай ҳужжатлардан эркин фойдаланиш ва Жамият Кузатув кенгаши зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун бу ҳужжатларни ижроия органидан олиш. Жамият Кузатув кенгаши ва унинг аъзолари олинган ҳужжатлардан фақат хизмат мақсадларида фойдаланиши мумкин;

аудиторлик текширувини ўтказиш (мажбурий аудиторлик текшируви бундан мустасно), аудиторлик ташкилотини белгилаш, унинг хизматларига тўланадиган энг кўп ҳақ миқдори ва у билан шартнома тузиш (шартномани бекор қилиш) тўғрисида қарор қабул қилиш;

Жамиятнинг ташкилий тузилмасини тасдиқлаш;

Жамият Корпоратив маслаҳатчисини тайинлаш ва унинг фаолият тартибини белгиловчи низомни тасдиқлаш;

дивиденд миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби юзасидан тавсиялар бериш;

Жамиятнинг Заҳира фондидан ва бошқа фондларидан фойдаланиш;

Жамиятнинг филиалларини ташкил этиш ва ваколатхоналарини очиш;

Жамиятнинг шўъба ва тобе хўжалик жамиятларини ташкил этиш;

Қонуннинг **8 ва 9-бобларида** ва назарда тутилган ҳолларда битимлар тузиш ҳақида қарор қабул қилиш;

Жамиятнинг тижорат ва нотижорат ташкилотлардаги иштироки билан боғлиқ битимларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тузиш.

9.2.6. Жамият Кузатув кенгашининг Раиси унинг ишини ташкил этади, Кузатув кенгаши мажлисларини чақиради ва уларда раислик қилади, мажлисларда баённома юритилишини ташкил этади, акциядорларнинг Умумий йиғилишида раислик қилади.

Жамият Кузатув кенгашининг Раиси бўлмаган тақдирда унинг вазифасини Кузатув кенгашининг аъзоларидан бири амалга оширади.

9.2.7. Жамият Кузатув кенгашининг мажлиси Кузатув кенгашининг Раиси томонидан унинг ўз ташаббусига кўра, Жамият Кузатув кенгаши, Бош директорнинг, шунингдек Жамият овоз берувчи акцияларининг камида **беш фоизига** эгалик қилувчи акциядорнинг (акциядорларнинг) талабига кўра чақирилади.

Жамият Кузатув кенгаши мажлислари унинг Раиси томонидан **ҳар чоракда камида бир марта** Кузатув кенгашининг бошқа аъзоларига ҳабар бериш йўли билан чақирилади. Зарурият кўра Жамият Кузатув кенгашининг мажлислари **чоракда бир мартадан кўпроқ** ўтказилиши мумкин.

Янги **уч йил** муддатга сайланган Кузатув кенгашининг биринчи мажлиси Жамиятнинг Кузатув кенгаши аъзоларидан бири томонидан мажлис чақирилиши тўғрисидаги бошқа Кузатув кенгаши аъзоларини хабардор қилиш орқали чақирилади. Кузатув кенгашининг ушбу мажлисида Жамият Кузатув кенгаши Раисини сайлаш масаласи кўриши шарт.

Мазкур банднинг **биринчи хатбошида** белгиланган шахс томонидан Кузатув кенгаши мажлисини чақириш тўғрисидаги ёзма талаб келиб тушган тақдирда, Кузатув кенгашининг Раиси келиб тушган талабни кўриб чиқишга мажбур. Жамият Кузатув кенгашининг мажлисини ўтказиш тўғрисидаги талабда мажлис кун тартибига киритилиши керак бўлган масалалар уларни киритиш сабаблари кўрсатилган ҳолда таърифланган ҳамда мажлис чақирилишини талаб қилаётган шахснинг электрон манзили бўлиши керак. Талаб тақдим этган санадан эътиборан **ўн кун** ичида Жамият Кузатув кенгашининг Раиси мажлисни чақириш тўғрисида ёки мажлисни чақиришни рад этиш ҳақида қарор қабул қилиши керак. Чақириш тўғрисидаги қарор қабул қилинган тақдирда талабда кўрсатилган масалани (масалаларни) кўриб чиқиш бўйича Кузатув кенгаши мажлиси Кузатув кенгаши Раиси томонидан тегишли талаб олинганидан бошлаб **ўттиз иш кунидан** кечиктирмай ўтказилиши керак. Жамият Кузатув кенгаши Раиси томонидан мажлис чақириш ёки бундай мажлисни чақиришни рад этиш ҳақидаги асослантилган қарори мажлис чақиришни талаб қилган шахсга қарор қабул қилинган пайдан эътиборан **уч иш кунидан** кечиктирмай электрон манзил орқали юборилади.

9.2.8. Жамият Кузатув кенгашининг мажлисини ўтказиш учун кворум аниқланади. Жамият Кузатув кенгашига сайланган аъзоларнинг камида **етмиш беш фоизи** иштирок этганида кворум ҳисобланади. Жамият Кузатув кенгаши аъзоларининг сони мазкур **бандида** назарда тутилган миқдорнинг **етмиш беш фоизидан** кам бўлиб қолган тақдирда, Жамият Кузатув кенгашининг янги таркибини сайлаш учун акциядорларнинг навбатдан ташқари Умумий йиғилишини чақириши шарт. Кузатув кенгашининг қолган аъзолари акциядорларнинг бундай навбатдан ташқари Умумий йиғилишини чақириш тўғрисида қарор қабул қилишга, шунингдек Жамият Бош директорининг ваколатлари муддатидан илгари тугатилган тақдирда, унинг вазифасини вақтинча бажарувчини тайинлашга ҳақлидир.

9.2.9. Жамиятнинг Кузатув кенгаши мажлиси кворуми мавжуд бўлган тақдирда Жамият Кузатув кенгаши ваколатли бўлади. Кузатув кенгаши мажлисини Кузатув кенгаши Раиси, у бўлмаган тақдирда эса, унинг Кузатув кенгашининг аъзоларидан бири очади, мажлис кун тартибини эълон қилади ва мажлисини олиб боради. Йиғилиш кун тартиби масаласи бўйича Кузатув кенгаши Раиси, Кузатув кенгаши аъзоси ёки кун тартиби масаласи бўйича маъруза билан таклиф этилган шахс чиқишлари тингланади. Чиқишларнинг натижаларига кўра кун тартибидаги масала муҳокама қилинади. Овозга қўйилган савол бўйича овоз берилади. Кузатув кенгаши Раиси, у бўлмаган тақдирда эса, унинг Кузатув кенгашининг аъзоларидан бири овозга қўйиш натижаларини ва қабул қилинган қарорни ўқиб эшиттиради. Кун тартибига қўйилган масалалар кўриб чиқилиши натижасига кўра, кўрсатилган шахс йиғилишни ёпиқ деб эълон қилади.

9.2.10. Жамият Кузатув кенгашининг мажлисида қарорлар, агар Кузатув кенгашининг мажлисини чақириш ва ўтказиш тартибини белгилувчи Қонун, ўзгача қоида назарда тутилмаган бўлса, мажлисда ҳозир бўлганларнинг **кўпчилик** овози билан қабул қилинади. Жамият Кузатув кенгашининг мажлисида масалалар ҳал этилаётганда Кузатув кенгашининг **ҳар бир аъзоси битта овозга** эга бўлади. Жамият Кузатув кенгашининг бир аъзоси ўз овозини Кузатув кенгашининг бошқа аъзосига беришига йўл қўйилмайди. Жамият Кузатув кенгаши

аъзоларининг овозлари тенг бўлган тақдирда Жамият Кузатув кенгаши Раиси **ҳал қилувчи овозига** ҳуқуқи эга.

Қонуни **18-моддасининг учинчи қисмида** ва мазкур Устави **4.4. бандида** кўрсатилган масала бўйича қарор Жамият Кузатув кенгаши томонидан **бир овоздан** қабул қилинади.

Жамият Кузатув кенгашининг қарорлари сиртдан овоз бериш йўли билан (сўров йўли билан) Жамият Кузатув кенгашининг барча аъзолари томонидан бир овоздан қабул қилиниши мумкин.

9.2.11. Жамият Кузатув кенгашининг мажлисида баённома юритилади. Кузатув кенгаши мажлисининг баённомаси мажлис ўтказилганидан сўнг **ўн кундан** кечиктирмай тузилади. Мажлис баённомасида қуйидагилар кўрсатилади:

мажлис ўтказилган сана, вақт ва жой;

мажлисда ҳозир бўлган шахслар;

мажлисининг кун тартиби;

овоз беришга қўйилган масалалар, улар юзасидан ўтказилган овоз бериш яқунлари;

қабул қилинган қарорлар.

Жамият Кузатув кенгаши мажлисининг баённомаси мажлисда иштирок этаётган Жамият Кузатув кенгаши аъзолари томонидан имзоланади, улар мажлис баённомаси тўғри расмийлаштирилиши учун жавобгар бўлади. Жамият Кузатув кенгаши мажлисининг баённомасидан кўчирмани Жамият Кузатув кенгашининг Раиси имзоланади, у мажлис баённомаси ишончилиги учун жавобгар бўлади.

9.2.12. Жамият Кузатув кенгаши мажлисининг баённомаси имзоланган куни Жамиятнинг Бош директориға ижро этиш учун топширилади. Кузатув кенгаши акциядорларнинг Умумий йиғилишини чақиритиш тўғрисида қарор қабул қилган тақдирда мазкур қарор ҳақидаги ахборот Жамиятнинг Бош директориға Кузатув кенгашининг мажлиси ўтказиладиган куни топширилади.

9.2.13. Жамият Кузатув кенгашининг аъзолари ўз ҳуқуқларини амалга оширишда ва ўз мажбуриятларини бажаришда Жамиятнинг манфаатларини кўзлаб иш тутиши ҳамда белгиланган тартибда жавобгар бўлиши лозим.

Агар ушбу бандида қоидаларига мувофиқ бир нечта шахс жавобгар бўлса, уларнинг Жамият олдидаги жавобгарлиги солидар жавобгарлик бўлади.

Жамиятга зарар етказилишига сабаб бўлган қарорға овоз беришда иштирок этмаган ёки ушбу қарорға қарши овоз берган Жамият Кузатув кенгаши аъзолари жавобгар бўлмайди.

Жамият ёки у жойлаштирган акцияларнинг ҳаммаси бўлиб камида **бир** фоизига эгалик қилувчи акциядор (акциядорлар) Жамиятга етказилган зарарларнинг ўрнини қоплаш тўғрисидаги даъво билан Жамиятнинг Кузатув кенгаши аъзоси устидан судга мурожаат қилишга ҳақли.

9.3. Бош директор

9.3.1. Жамиятнинг кундалик фаолиятига раҳбарлик қилиш яккабошчилик асосида ижроия органи Жамият **Бош директори** томонидан амалга оширилади.

9.3.2. Жамият Бош директори ўз ишини қонунчилик, мазкур Устав ва акциядорлар Умумий йиғилиши қарори билан тасдиқланган Бош директор тўғрисидаги низом асосида амалга оширади.

9.3.3. Жамият Бош директори Кузатув кенгаш томонидан сайланади ва **уч йил** муддатга шартнома тузади.

Кузатув кенгаши томонидан Жамиятнинг Бош директорини шартнома амал қилиш муддатини узайтириш ёки уни бекор қилиш мумкинлиги тўғрисида **ҳар йили** Кузатув кенгаши томонидан қарор қабул қилинади.

9.3.4. Жамият Бош директори ҳуқуқ ва мажбуриятлари тегишинча Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларида, мазкур Уставда ҳамда унинг Жамият билан тузадиган шартномада белгиланади.

Шартнома Жамият номидан Жамият Кузатув кенгашининг Раиси ёки Кузатув кенгаши ваколат берган шахс томонидан имзоланади. Жамият Бош директори билан тузиладиган шартномада унинг Жамият фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича мажбуриятлари ҳамда

Жамиятнинг йиллик бизнес-режасини бажариш қандай бораётганлиги юзасидан акциядорларнинг Умумий йиғилиши ва Жамият Кузатув кенгаши олдида берадиган ҳисоботларининг даврийлиги назарда тутилиши керак. Жамиятнинг Бош директорига тўланадиган ҳақ миқдори Жамият фаолиятининг самарадорлигига тўғридан-тўғри боғлиқ бўлади ва шартномада белгиланган бўлиши керак.

9.3.5. Жамият Кузатув кенгаши Жамиятнинг Бош директори билан тузилган шартномани қуйидаги ҳолларда муддатидан илгари тугатиш (бекор қилиш) ҳуқуқига эга:

агар у шартнома шартларини бузган тақдирда;

Жамият Уставини кўпол тарзда бузса;

унинг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) туфайли Жамиятга зарар етказилган бўлса;

қонунчилигига мувофиқ бошқа ҳолларда.

9.3.6. Жамиятнинг Бош директори вазифаларини бошқа ташкилотларнинг бошқарув органларидаги лавозим билан биргаликда эгаллаб туришга фақат Жамият Кузатув кенгашининг розилиги билан йўл қўйилади.

9.3.7. Жамият Бош директорининг ваколатига Жамиятнинг кундалик фаолиятига раҳбарлик қилишга доир барча масалалар киради, акциядорлар Умумий йиғилишининг ёки Жамият Кузатув кенгашининг ваколат доирасига киритилган масалалар бундан мустасно.

Жамият Бош директорининг ваколат доирасига қуйидагилар киради:

акциядорлар Умумий йиғилишининг ва Жамият Кузатув кенгашининг қарорлари бажарилишини ташкил этиш;

ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни сотиш, бажарилаётган ишларни ҳамда хизмат кўрсатилаётган нархларини тасдиқлаш;

Жамият номидан ишончномасиз иш юритиш, шу жумладан унинг манфаатларини ифодалаш;

Жамият номидан битимлар тузиш;

Жамиятнинг филиали ёки ваколатхонаси раҳбарини тайинлаш;

штатларни тасдиқлаш ҳамда унга тегишли ўзгартишлар киритиш, Жамият ходимларини ишга қабул қилиш, улар билан меҳнат шартномаларини тузиш ва бекор қилиш, ва уларга нисбатан интизомий жазо чораларини қўллаш, ходимлар томонидан меҳнат ва ижро интизомини сақлаб туришини таъминлаш;

Жамиятнинг барча ходимлари бажариши мажбурий бўлган буйруқлар чиқариш ва кўрсатмалар бериш;

Жамият фойдасини тақсимлаш тўғрисидаги тавсияни тайёрлаш учун Кузатув кенгашига таклифни киритиш;

Жамият номидан ҳужжатларни имзолаш;

қонун ҳужжатларида чегараларда Жамият мол-мулкани ва пул маблағларини тасарруф этиш;

Жамият номидан ҳаракат қилиш учун ишончномалар бериш;

банкларда ҳисоб-китоб ва бошқа рақамлар очиш;

муовинлар орасида мажбуриятларни тақсимлаш ва ходимлар иш мажбуриятлари бўйича қўлланмаларни тасдиқлаш;

Жамиятнинг акциядорлар Умумий йиғилишининг ёки Кузатув кенгашининг ваколатларига киритилмаган ички меъёрий ҳужжатларини тасдиқлаш;

Жамият кундалик фаолиятини амалга ошириш ва акциядорлар Умумий йиғилишининг ёки Кузатув кенгашининг ваколатларига киритилмаган масалалар бўйича қарорлар қабул қилиш.

9.3.8. Бош директор қуйидагиларга мажбур:

Жамиятнинг йиллик бизнес-режа, акциядорлар Умумий йиғилиши ва Кузатув кенгаши қарорлари бажарилишини таъминлаш;

Жамиятни малакали ходимлар билан таъминлаш, ходимларнинг билимлари, малакаси, тажрибаси ва қоибилиятларидан самарали равишда фойдаланиш бўйича чораларни кўриш;

Жамият ходимларининг ижтимоий кафолатларига риоя қилиниши ва меҳнати муҳофаза қилинишини таъминлаш;

Жамият ва унинг ходимлари томонидан Жамият фаолиятида қонунчилик талабларига риоя қилинишини таъминлаш;

Жамиятда бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботининг тегишли ҳолати ва ҳаққонийлиги ташкил қилинишини таъминлаш;

бир йилда бир марта акциядорлар Умумий йиғилишида йиллик ҳисоботи тўғрисида тақдим этиш;

ҳар чоракда Кузатув кенгаши олдида Жамиятнинг йиллик бизнес-режаси бажарилишининг ҳолати тўғрисида ҳисобот бериш;

тегишли органлар, акциядорлар, кредиторлар ва оммавий ахборот воситаларида Жамиятнинг ҳар йилги молиявий ва бошқа ҳисоботи, фаолияти тўғрисидаги ахборот ва маълумотларни ўз вақтида тақдим этилиши ва чоп этилишини назорат қилиш;

акциядорларга қонунчилик билан бериладиган ҳуқуқларини ҳимоя қилишини таъминлаш;

маъмурий харажатлар ҳисоби ва бошқалар билан тасдиқланган маблағлар доирасида мол-мулкни сотиб олиш ва харажатларни амалга ошириш;

шартномалар бўйича мажбуриятларни ижровини таъминлаш;

қонунчилик ва мазкур Устави мувофиқ бошқа мажбуриятлар..

9.3.9. Жамият Бош директори ўз ҳуқуқларини амалга оширишда ва ўз мажбуриятларини бажаришда Жамиятнинг манфаатларини кўзлаб иш тутиши ҳамда белгиланган тартибда жавобгар бўлиши лозим.

Жамият ёки у жойлаштирган акцияларнинг ҳаммаси бўлиб камида **бир фоизига** эгалик қилувчи акциядор (акциядорлар) Жамиятга етказилган зарарларнинг ўрнини қоплаш тўғрисидаги даъво билан Бош директор устидан судга мурожаат қилишга ҳақли.

9.4. Ички аудит хизмати

9.4.1. Жамиятнинг **ички аудит Хизмати** вазифалари мазкур Уставнинг **9.3. бандида** белгиланган.

9.4.2. Жамиятнинг ички аудит Хизмати ўз фаолиятини, агар қонунда ўзгача қоида назарда тутилмаган бўлса, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган тартибга мувофиқ амалга оширади.

9.4.3. Жамият активларининг баланс қиймати энг кам иш ҳақи миқдорининг юз минг баробарини ташкил этса ва (ёки) ошса Жамиятда ички аудит хизмати ташкил этилади. Ички аудит хизмати жамиятнинг кузатув кенгашига ҳисобдор бўлади.

9.4.4. Ички аудит хизмати жамиятдаги ички назоратни, шу жумладан, 50 фоиздан зиёд улуши Жамиятга тегишли бўлган юридик шахслар билан ўтказилган операциялар устидан назоратни амалга оширади.

9.5. Корпоратив маслаҳатчи

9.5.1. Жамият **Корпоратив маслаҳатчининг** вазифа мазкур Уставнинг **9.5. бандида** белгиланган.

9.5.2. Жамият Корпоратив маслаҳатчининг ўз ишини қонунчилик, мазкур Устав ва Кузатув кенгаши томонидан тасдиқланадиган низом асосида амалга оширади.

9.5.3. Корпоратив маслаҳатчи Жамиятнинг Кузатув кенгашига ҳисобдордир.

9.6. Аудиторлик ташкилоти

9.6.1. **Аудиторлик ташкилоти** – аудиторлик фаолиятини амалга ошириш учун лицензияга эга бўлган юридик шахсдир.

9.6.2. Жамият **ҳар йили** йиллик молиявий ҳисоботини текшириш ва тасдиқлаш учун Жамият ёки унинг акциядорлари билан мулкий манфаатдорликда бўлмаган аудиторлик ташкилотини жалб қилиши шарт.

Аудиторлик текшируви ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини танлаш қонунчиликка мувофиқ амалга оширилади.

9.6.3. Аудиторлик ташкилоти Жамият билан тузилган шартномага мувофиқ қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини текширади ва унга аудиторлик хулосаси тақдим этади.

9.6.4. Аудиторлик ташкилоти Жамиятнинг молиявий ҳисоботи ва молияга доир бошқа ахборотлар ҳақида нотўғри яқун баён этилган аудиторлик хулосаси тузганлик оқибатида етказилган зарар учун Жамият олдида жавобгар бўлади.

10. Ҳисоб ва ҳисобот

10.1. Жамият қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бухгалтерия ҳисобини юритиши ва молиявий ҳисобот тақдим этиши шарт.

10.2. Жамиятда бухгалтерия ҳисобининг ташкил этилиши, ҳолати ва ишончилиги, тегишли органларга **ҳар йилги** ҳисобот ва бошқа молиявий ҳисоботлар, шунингдек Жамиятнинг расмий веб-сайтида ва оммавий ахборот воситаларида акциядорларга, кредиторларга тақдим этиладиган Жамият фаолияти тўғрисидаги маълумотлар ўз вақтида тақдим этилиши учун жавобгарлик Жамият Бош директори зиммасида бўлади.

10.3. Жамиятнинг молиявий ҳисоботида кўрсатилган ва акциядорларнинг Умумий йиғилишига тақдим этиладиган молиявий ҳисоботдаги, бухгалтерия балансидаги, фойда ва зарарлар ҳисобварағидаги маълумотларнинг ишончилиги мулкӣ манфаатлари Жамият ёки унинг акциядорлари билан боғлиқ бўлмаган аудиторлик ташкилоти томонидан тасдиқланган бўлиши керак.

10.4. Жамиятнинг **йиллик** ва **чораклик** ҳисоботларини Бош директор тайёрлайди.

10.5. Жамиятнинг **йиллик** ва **чораклик** ҳисоботлари қонунчилик талабларига кўра тузилади.

10.6. Жамиятнинг йиллик ҳисоботи акциядорларнинг йиллик Умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан **ўттиз кундан** кечиктирмай Жамиятнинг Кузатув кенгаши томонидан дастлабки тарзда тасдиқланиши лозим.

11. Ҳужжатларни сақлаш

11.1. Жамият:

Жамиятнинг Уставини, Уставга киритилган, белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган ўзгартиш ва кўшимчаларни, Жамиятни ташкил этиш тўғрисидаги қарорни, Жамият давлат рўйхатидан ўтказилганлиги ҳақидаги гувоҳномани;

Жамиятнинг ўз балансидаги мол-мулкка бўлган ҳуқуқларини тасдиқловчи ҳужжатларни; акциядорларнинг Умумий йиғилиши ва Жамиятнинг бошқа бошқарув органлари томонидан тасдиқланадиган ҳужжатларни;

Жамиятнинг филиали ёки ваколатхонаси ҳақидаги низомни;

Жамиятнинг йиллик ҳисоботини;

эмиссиявий қимматли қоғозларни чиқариш тўғрисидаги қарорларни;

акциялар эмиссияси рисоласини;

бухгалтерия ҳисобига доир ҳужжатларни;

тегишли органларга тақдим этиладиган молиявий ҳисоботларни;

Жамият акциядорлари Умумий йиғилишларининг ва Кузатув кенгаши қарорларини, Жамият Бош директорининг буйруқларини;

Жамиятнинг аффилиланган шахслари рўйхатларини;

Жамият акциядорларининг реестрларини;

аудиторлик ташкилотининг хулосалари ва ҳисоботларини, назорат қилувчи давлат органларининг текширувлари далолатномаларини сақлаши шарт.

Жамият қонун ҳужжатларига ва мазкур Уставга мувофиқ бошқа ҳужжатларни ҳам сақлаши шарт.

12. Жамият ва Жамиятнинг аффилиланган шахслари тўғрисидаги ахборот

12.1. Жамият мазкур Уставининг **11.1.-моддасида** назарда тутилган ҳужжатлардан акциядорларнинг фойдаланиш имкониятини таъминлайди, бундан бухгалтерия ҳисобига доир ҳужжатлар, Жамият Бош директорининг буйруқлари ва Жамият акциядорларининг реестри мустасно.

12.2. Жамият акциядорнинг ёзма талабига кўра унга мазкур Уставда назарда тутилган ҳужжатларнинг кўчирма нусхаларини ҳақ эвазига тақдим этиши шарт.

Ҳақ миқдори Жамият томонидан белгиланади ҳамда ҳужжатларнинг кўчирма нусхаларини тайёрлаш харажатларининг қийматидан ва ҳужжатларни почта орқали жўнатиш билан боғлиқ харажатлардан ортиб кетмаслиги керак.

Жамият сўралаётган ҳужжатларни акциядорга электрон шаклда тақдим қилишга ҳақли.

12.3. Жамият акциядорнинг ёки ҳар қандай манфаатдор шахснинг талабига кўра **уч иш куни** ичида уларга Жамиятнинг Устави, шу жумладан Уставга киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар билан танишиб чиқиш имкониятини бериши шарт.

Жамият акциядорнинг талабига кўра унга Жамият Уставининг кўчирма нусхасини бериши шарт.

12.4. Жамият қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва муддатларда ўзи тўғрисидаги ахборотни ошкор қилишни амалга ошириши шарт.

Агар Жамият акциялари фонд биржасининг листингига киритилган бўлса фонд биржасининг расмий веб-сайтида Жамият Уставининг матнини, шу жумладан унга доир ўзгартиш ва қўшимчаларни, шунингдек ошкор этилиши мажбурий бўлган бошқа ахборотни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда эълон қилиши шарт.

Фонд биржасининг расмий веб-сайтида ахборотнинг ошкор қилинганлиги Жамиятни қонунда назарда тутилган ҳолларда давлат органларининг ёзма сўровига кўра ахборот тақдим этиш мажбуриятидан озод қилмайди.

12.5. Жамиятнинг аффилиланган шахси қонунчилик мувофиқ аффилиланганлик асослари вужудга келган пайдан эътиборан **уч иш кунидан** кечиктирмай Жамиятни қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи томонидан белгиланган маълумотларни батафсил кўрсатган ҳолда ўзининг аффилиланганлиги тўғрисида ёзма шаклда хабардор қилиши шарт.

Агар аффилиланган шахснинг айби билан кўрсатилган ахборот тақдим этилмаганлиги ёки ўз вақтида тақдим этилмаганлиги натижасида Жамиятга мулкий зарар етказилган бўлса, аффилиланган шахс Жамият олдида ўзи етказган зарар миқдорида жавобгар бўлади.

12.6. Жамият ўзининг аффилиланган шахслари ҳисобини юритиши ва улар тўғрисида қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ ҳисобот тақдим этиши шарт. Жамият аффилиланган шахслар рўйхатини қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи томонидан белгиланган тартибда ва муддатларда **ҳар йили** эълон қилиши шарт.

13. Жамият томонидан йирик битимлар тузиш

13.1. Жамият томонидан мол-мулкни олиш ёки уни бошқа шахсга бериш ёхуд мол-мулкни бошқа шахсга бериш эҳтимоли билан боғлиқ битим (шу жумладан қарз, кредит, гаров, кафиллик) ёки ўзаро боғланган бир нечта битим, агар бошқа шахсга берилаётган мол-мулкнинг ёки олинаётган мол-мулкнинг баланс қиймати бундай битимларни тузиш тўғрисидаги қарор қабул қилинаётган санада Жамият соф активлари миқдорининг **ўн беш фоизидан** ортиғини ташкил этса, йирик битим деб ҳисобланади, кундалик хўжалик фаолиятини юритиш жараёнида тузиладиган битимлар ҳамда акцияларни ва бошқа қимматли қоғозларни жойлаштириш билан боғлиқ бўлган битимлар бундан мустасно.

13.2. Йирик битим Жамият акциядорларининг Умумий йиғилиши ёки Кузатув кенгаши ушбу битим бўйича қарор қабул қилганидан кейин Жамиятнинг Бош директори томонидан амалга оширилади.

13.3. Йирик битим тузиши тўғрисидаги қарор Қонунга мувофиқ қабул қилинади.

14. Жамиятнинг аффилиланган шахслари билан битимлар тузиш

14.1. Жамият битим тузишидан манфаатдор шахслар мазкур Жамиятга нисбатан аффилиланган шахслар деб эътироф этилади.

14.2. Жамиятнинг аффилиланган шахслари деб қонунчилик мувофиқ эътироф этилади.

14.3. Аффилиланган шахс Жамият билан битим тузишда аффилиланган эканлиги тўғрисида тузилиши кутилаётган битим ҳақидаги маълумотлар бериши, ушбу шахс билан тузилиши кутилаётган битимни ўрганиши ва аффилиланган шахс билан тузилаётган битимни (битимларни) маъқуллаш ҳақида қарор қабул қилиш тартиблари, ҳамда аффилиланган шахс билан битимлар тузишдаги истиснолар қонунчиликда белгиланади.

14.4. Агар аффилиланган шахс билан тузилаётган битим аynи бир вақтда йирик битим бўлса, битимни тузиш тартибига қонунчиликда белгиланган йирик битим тузишга доир қоидалар қўлланилади.

15. Жамиятни қайта ташкил этиш ва тугатиш

15.1. Жамиятни қайта ташкил этиш акциядорлар қўшиб юбориш, қўшиб олиш, бўлиш, ажратиб чиқариш ва ўзгартириш шаклида қонун ҳужжатлари билан белгиланган ҳолларда ва тартибда амалга оширилади.

15.2. Жамият Умумий йиғилиш қарорига ёки суднинг қарорига кўра тугатилиши мумкин.

Жамиятни тугатилиши қонунчилик билан белгиланган ҳолларда ва тартибда амалга оширилади.

16. Яқуний қоидалар

16.1. Мазкур Устав Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат рўйхатига олинган вақтдан бошлаб кучга киради.

16.2. Мазкур Уставда ўз аксини топмаган масалалар Қонун ҳамда Ўзбекистон Республикасининг бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлари билан тартибга солинади.

16.3. Агар қонунчиликда мазкур Уставда назарда тутилганидан бошқача қоидалар бўлса, қонунчилик қоидалари қўлланилади.

«O'ZBEKISTON SHAMPANI» AJ
Бош директори



И.Э.Аббасов